

Муминов Шербек Собир ўғли: *“Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига солиқ юкининг таъсирини баҳолаш ва уни камайтириш йўллари”*. (5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори”).

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Исаков Ж.

Магистрлик диссертацияси мақсади. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига солиқ юкининг таъсирини баҳолашни самарали ташкил этиш ва уни камайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертацияси вазифалари:

- корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг назарий асосларини ўрганиш;

- солиқ юкининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

- солиқ юкини аниқлаш бўйича қўлланиладиган методлар тизимини ўрганиш;

- корхоналар томонидан тўланадиган солиқларни таҳлилни амалга ошириш;

- корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсирини таҳлил қилиш;

- корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига солиқ юкининг таъсирини баҳолашни самарали ташкил этиш ва уни камайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.